OZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARKAND VILOYATI
OQDARYO TUMAN
HOKIMI

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРКАНД ВИЛОЯТИ
ОКДАРЁ ТУМАН
ХОКИМИ

313

## QAROR

2003 йил 27 август №370-К

**Юридик шахсга ижарага кушимча ер ажратиш тугрисида**

Узбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хужаликларини ташкил этиш тугрисида»ги конунига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларни давлат руйхатидан утказиш ва хисобга куйиш тизимини такомиллаштириш тугрисида»ги карорига хамда Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 53-моддасига асосан ва Бобур ширкат хужалиги аъзоларининг 2003 йил 01 февралдаги №-1 сонли «Хужаликдаги «Чорвадор» фермер хужалигига хужаликнинг №-103 контурдан 3,5 гектар ва №-99 контурдан 3,5 гектар, жами 7 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида»ги умумий йигилиш карори, ер участкаларини бериш (Реализация килиш) масалаларини куриш буйича доимий фаолият курсатувчи туман комиссиясининг 2003 йил 18 августдаги йигилиш баёнидаги ижобий хулосани хамда Бобур ширкат хужалигидаги «Чорвадор» фермер хужалигининг кушимча ер майдони ажратиб бериш тугрисида ёзган аризасини куриб чикиб

## К А Р О Р  К И Л А М А Н:

1. Бобур ширкат хужалиги аъзоларининг 2003 йил 01 февралдаги №-1 сонли «Хужаликдаги «Чорвадор» фермер хужалигига хужаликнинг №-103 контурдан 3,5 гектар ва №-99 контурдан 3,5 гектар, жами 7 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида»ги умумий йигилиш карори тасдиклансин.

3. Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоков)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган кушимча ер майдонини йил якуни билан Бобур ширкат хужалиги хисобидан чикариш, тегишли меёърий хужжатларни ва давлат гувохномасини таёрлаш;

-ДФХУ вакиллиги директори (А.Олимов)га «Чорвадор» фермер хужалигини тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузишни ва шартномани бажарилишини хамда ердан окилона фойдаланишини назорат килиш;

-туман Давлат солик инспекцияси (О.Жураев)га «Чорвадор» фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш ва солик ва бошка мажбурий туловларини тартибга солиш;

-иктисослашган тижорат банкларига «Чорвадор» фермер хужалигининг банк хисобракамларидаги пул маблаглари харакатини тартибга солиш;

-туман статистика булими (З.Эргашев)га «Чорвадор» фермер хужалигининг статистик хисоботларини тугри олиб бориш ва умумлаштириш топширилсин.

4.Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Ю.Абдумуродов зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:** *S. Negmatov* **Ш.Негматов.**